Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

2022 й. «28» 11 даги Хазорасп тумани ХТБ ва
„Ахмат" МЧЖ ўртасида 17010000
сўм умумий суммаға тузилган № 451-12-174-Х11/2022 сон -сонли шартномаға

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

2042 бўлим 100 боб 015 параграф

Шахсий ғазна хисобварақ 100022860332201092100075091

(сумда)

| 2022-й. ойлар номи | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4223000 | | ... | |
| Январ | | | | - |
| Феврал | | | | - |
| Март | | | | - |
| Апрел | | | | - |
| Май | | | | - |
| Июн | | | | - |
| Июл | | | | - |
| Август | | | | - |
| Сентябр | | | | - |
| Октябр | | | | - |
| Ноябр | 11800 000 | | | 11800000 - |
| Декабр | 5210 000 | | | 5210 000 - |
| **Жами йил бўйича** | 17010 000 | - | | 17010 000 - |

Жами: 17010000
(Ўн етти миллион ўн минг)
(сумма сўз билан)

Юқорида курсатилган суммадан 5103000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30 % 2022- йил Ноябр ойида туланиши лозим

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;
(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан туланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар курсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширишш холларида тулдирилади).

Буюртмачи раҳбари ________ (имзо) Ш.Ахмедов
М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ________ (имзо) З.Хаджиев

Ғазначилик бўлинмаси ходими қабул қилди ______________
20__ й. «____»________(имзо)

Бюджет маблағ олувчи ходими қабул қилди ______________
20__ й. «____»________ (имзо)

**ИССИК СУВ ХОЛИДАГИ ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БУЙИЧА ШАРТНОМА №**

28-ноябр 2022-йил

undefined«undefined»undefined yil. **451-12-174-XT/2022-son**

Хазорасп тумани

Кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб юритиладиган **Хазорасп туман ХТБ** номидан низом асосида иш кўрувчи рахбари Рахбар **Ш.Ахмедов** бир томондан ва «Таъминотчи» деб юритилади номидан низом асосида фаолият курсатувчи «Ахмат» МЧЖ рахбари **Ю. Анназаров** иккинчи тарафдан Ушбу шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг бюртманомасига мувофук уланган тармок оркали иссик сув холидаги иссиклик 1-иловада белгиланган куватдаги иссиклик энергиясини кабул килиб олиш ва белгиланган нархлар буйича энергияси ва иссик сув (бундан буён иссиклик энергияси деб юритилади) етказиб беришни уз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур

49-сон мактабга етказиб бериладиган иссиклик энергияси 88.04

25-сон мактабга етказиб бериладиган иссиклик энергияси 71.96

Шартнома буйича етказиб бериладиган иссиклик энергиясининг жами 160.00 Г.кал ташкил килади.

**II.ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. «Истеъмолчи»нинг хукуклари:

а) «Таъминотчи»дан шартномага мувофук иссиклик энергиясини узлуксиз етказиб беришни талаб килишга:

б) зарур сифатга мувофук булган иссиклик энергияси етказиб берилмаганда «Истеъмолчи» уз хохишига кура:

зарур сифатлилиги иссиклик энергиясини «Таъминотчи» уз хисобидан кайта етказишини:

нархларнинг мутаносиб равищда камйтирилишини талаб килишга:

муддатлар бузилган ёки зарур сифатига мувофук булмаган холда етказиб берилган иссиклик энергиясини кобул килишни ва хакини тулашни рад этишга:

а) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажарилмасли ёки зарур даражада бажарилмаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани копланишини талаб килишга хаклидар.

2.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

а) фойдаланилган ва иссиклик энергияси учун шартномада кайд этилган муддатларда хак тулаш:

б) «Таъминотчи» билан келишмасдан иссиклик энергияси истеъмолининг шартномавий микдорини оширмасликка ва тузилган шартномага мувофик иссиклик энергияси истеъмоли режимига ривоя килиш:

в) иссиклик энергиясини итеъмол килувчи асбоб-ускуналар. Иссиклик энергияси кувурлари, иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари кувурлар изоляцияси ва иссиклик энергиясидан фойдаланувчи асбоб-ускуналарни техник жихатдан соз холатда саклаш, хисоб олиш приборларини курсатгичларини «Таъминотчи» га хар ойнинг 25 санасида ёзма равишма такдим килиши

г) иссиклик энергияси кувурлари, иссиклик энергиясини истеъмол килувчи асбобо-ускуналар, запор ва тартибга солувчи арматураларнинг режали олдини олувчи тамирхлашини ва синовини уз вактида утказга, таъмирлаш хажми, муддатлари ва жадвалини «Таъминотчи» билан келишиш:

д) хисоб-китоб хисобга олиш приборлари, пастга туширувчи кранлар, торайтиб турувчи курилмалар ва арматурани «Таъминотчи»нинг вакили билан биргаликда пломбалашга урнатилган пломбаларнинг сакланиши таъминлашга мажбурдир. Пломбаларни олиш «Таъминотчи»нинг рухсати билан амалга оиширилади.

е) барча иссиклик энергияси тармоклари ва иссиклик энергиясини истеъмол килувчи чизилмаларини ижро чизмалари ва паспортига шунингдек ишлаб чикариш йурикномаларга эга булиш:

ё) «Уздавэнергоназорат» агентлиги вакилларининг курсатмаларини белгиланган муддатларда бажариш:

2.3. «Таъминотчи»нинг хукуклари:

а) «Истеъмолчи» дан етказиб бериладиган иссиклик энергияси учун олдиндан тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кеси хисоб-китабларни амалга оширишни:

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофк етказиб берилган иссиклик энергиясини кабул килишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплаш «Истеъмол» дан талаб килишга хаклидир.

в) «Истеъмолчи» хисобга олиш приборларини нормал ишлаши учун «Узстандарт» агентлиги томонидан хар икки йилда бир маротаба лаборотория куригидан утказишни талаб килиш.

2.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

а) конун хужжатларига мувофк Ушбу шартнома мажбуриятларининг уз муддати бажарилишини таъминлаш:

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатиган микдордаги иссиклик энергиясини иссиклик энергияси тармокларининг булиниш чегарасига етказиб бериш:

в) иссиклик энергияси тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида иссиклик энергияси сифати курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдор саклаш:

г) иссиклик энергияси «Истеъмолчи»га узликсиз етказиб берилишини таъминлаш:

д) иссиклик энергияси тармокларини режали таъмирлашда иссиклик энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида «Истеъмолчи»ни камида 3 сутка олдин огохлантриш:

е) иссиклик энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва «Истеъмолчи»га иссиклик энергияси беришнинг режадан ташкари тухталиши сабабларини хабар килиш:

ж) «Истеъмолчи»га иссиклик энергияси хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофк

Кўриб чиқган юрист: NIYOZMATOV ZAFARBEK SHAVKATOVICH. Ҳужжат рақами: NQ0377722331

алмаштириш муддатларини хабар килиш:
з) жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш жами ва вактини курсатган холда 3 кун олдин хабар килиш:
и) шартномага мувофк «Истеъмолчи»га иссиклик энергияси узликсиз берилишини таъминлаш, иссиклик марбаи коллекторларидан берилаётган иссиклик манбалари параметрларининг (иссик сув) шартномга мувокилигини таъминлаш, уларнинг:
иссиклик берувчи кувурда сув харорати буйича – (+) 3фоизга:
сув босими буйича :
иссиклик берувчи кувурда –(+) 5фоизга
оркага кайтадиган кувурда –(+) 20кПа четга чикишга йул куймаслик.

## III. ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартнома тузилган вактдаги умумий суммаси 17 010 000 (Ўн етти миллион ўн минг) сўмни ташкил этади. Шартнома буйича етказиб бериладиган иссиклик энергиясининг тарифлари 1-сонли иловада берилади. Мазкур шартнома амал килиш вактида тарифлар узгарган такдирда бу хакда «Таъминотчи» томонидан ёзма равишда кушимча хабар килинади ва хисоб-китоблар янги тариф буйича олиб борилади.
3.2. «Истеъмолчи»томонидан етказиб бериладиган иссиклик энергияси учун шартномадаги хар ойлик микдорнинг камида 30 фоиз микдорида олдиндан хак аванис тарикасида туланади, истеъмол килинган иссиклик энергияси учун колган суммадан ойнинг 25-30 санасигача тулик тулаб берилади.
3.3. Етказиб берилган иссиклик энергияси учун «Истеъмолчи» билан хисоб-китоб килиш иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари курсаткичлари асосида амалдаги тасдикланган тарифларга мувофк амалга оширилади. Хисобга олиш приборларига эга булмаган «Истеъмолчи»га бериладиган иссиклик энергияси микдори шартномавий нагрузкаларига мувофк иссиклик энергиясининг умумий микдорини «Истеъмолчи»лар уртасида таксимланган холда «Таъминотчи»нинг хисобга олиш приборлари буйича белгиланади.
3.4. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» тармоги ажралиш чегарасигача иссиклик энергиясини етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг нобудгарчилиги тарифларида хисобга олинган хамда тарифлардан ортикча кўшимча хак тўлашга йул кўйилмайди.
3.5. Етказиб берилган иссиклик энергияси учун пул ўтказиш йўли билан хисоб-китоб килинади.

## IV.ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КОБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажариш керак. Агар тарафлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган хисобланади.
4.2. Иссиклик энергияси етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буютманомада курсатилган муддатлар ва хажимларда мазкур шартномада курсатилган даврмабойнида амалга оширилади. «Тамеънотчи» буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.
4.3. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёки ундаги иссиклик энергиясини етказиб бериш микдорини ва санасини узгартиришга хаклидир бу хакда «Таъминотчи» буюртманомани курсатилган сана бошланишдан камида 10 кун олдин хабардор килади.

## V. ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни огохлантриб куйидаги холларда унга иссиклик энергиясини беришни тулик ёки кисман тухтатади.
5.1. Иссиклик энергияси учун тулов хужжатида бергиланган муддатларда хак туланмаганда (истеъмолчи иссиклик энергияси бериш тутатилишдан бирой олдин огохлантрилган такдирда):
5.2. «Истеъмолчи» субабанетлар томонидан Янги иссиклик энергияси нагрузкалари, сехлар ва курилмаларни ёки уларнинг алохида кисимларининг иссиклик энергияси тармогига уз бошимчалик билан уланганда:
5.3. Иссиклик энергияси истеъмоли тизимлари «Уздавэнергоназорат» агетлигининг инеспектори иштироксиз фойдаланишга топширилганда;
5.4. Хисобга олиш приборлари урнатилгунга кадар иссиклик энергияси истеъмоли тизимларига кушилган;
5.5. Иссиклик энергияси исрофгарчилик истеъмоли килинганда уни талон тарож килиш тармокдаги сувнинг окиши ва ифлосланишига йул куйиганда:
5.6. Иссиклик энергияси истеъмоли гизимлари аварияхафини коникарсиз холатга келтирилганда;
5.7. «Таъминотчи» вакиллари иссиклик буйича режали ишларни амалга оширишда ва янги истеъмолчиларни улашда резерв таъминлаш мавжуд булмаган такдирда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» Лар узиб кушиш хукукига эгадир. «Истеъмолчи»га иссиклик энергияси бериш тухтатилиши тугрисида уни огохлантриш иссиклик энергияси беришда танаффуснинг аник санаси (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огохлантриш олингандан кейин 5 кун муддат иссиклик энергияси беришдаги танаффус вактини келишмаса. «Таъминотчи» ушбу вактни мустакил белгилаш хукукига эгадир. Иссиклик энергияси беришдаги танаффус имкон борича ,бу хакда узиб куйишдан 24 соат олдин «Истеъмолчи»ни огохлантирган холда унинг ишдан ташкари вактида амалга оширилиш керак.
5.9. «Таъминотчи» аварянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб булмайдиган чора-тадбирлар куришучун кейинчалик узиб куйиш сабабларини маълум килган холда «Истеъмолчи»нинг иссиклик энергияси истеъмоли тизимини узиб куйиш хукукига эгадир.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилган иссиклик энергияси сифати шартномада ёки конун хужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» иссиклик энергиясини кабул килиш хамда унинг хакини тулашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифат ва микдори лозим даражада булмаган иссиклик энергияси кийматининг 20 фоиз

микдоридажарима ундириб олишга, агар иссиклик энергияси хаки тулаб куйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда кайтариши «Таъминотчи»дан талаб килишга хаклидир. Бунда «Истеъмолчи» мазкур шартноманинг 2.1-бандида курсатилган хукукларидан фойдаланганлигидан катъий назар «Таъминотчи» томонидан жарима туланади.
6.2. Иссиклик энергияси етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилиши керак булган иссиклик энергияси кийматининг 25 фоизи микдорида жарима тулайди. Жаримадан ташкари «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га иссиклик энергияси етказиб берилмаганлиги натижасида етказилган зарарни хам коплайди.
6.3. Иссиклик энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган холларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тулайди, бирок пениянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиклик энергиясининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши «Таъминотчи» шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва иссиклик энергияси етказиб бериш кечиктрилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.
6.4. Етказиб берилган иссиклик энергияси хакида уз вактида тузилмагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдоридан пениятулайди.
6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда тарафлар, коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар, лекин бу бевосита судга мурожаат килишга таскинлик килмайди ва тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хам хаклидир. Низолар Хоразм вилояти Хужалик судида хал этилади.
7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

## VIII.ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ

8.1. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Корруппсияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.
8.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зимммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган харакатлар (харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.
8.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш сохасидаги талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:
- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.
8.4. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларнинг рағбатлантиришнинг хар қандай шаклини рад этадилар.жумладан:
- тарафларнинг ёки вакилларидан маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу харакат (харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар қандай харакатни бажаришни.
8.5. Тарафларга шартнома шартларни амалга оширишда сунъий тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупсиявий омил пайдо бўлишига бевосита хамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.
8.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу харакат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади хамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш сохасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## IX. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

9.1. Тарафлардан бири шартноманиенгиб булмайдиган куч, яъни муайян шартномада олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошкини, газ, сув электр энергияси таъминоти узилишлари ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражали бажарилмаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

## X ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Мазкур шартнома унга узгартиришлар (кушимчалар) тарафлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.
10.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шакилда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллар томонидан имзоланиши шарт билан хакикий хисобланади.
10.3. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан кундан бошлаб юридик кучга киради ва жорий молия йили тугагунча яни 2022-йил 31-декабр куни охиригача амал килади..

## XI. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

11.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кура ёки бошка тараф шартнома шартларини жиддий равишда

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: ZI23854654

бузган такдирда, тарафлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб тарафларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

## XII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| **«Таъминочги»** | **«Истеъмолчи»** |
|---|---|
| «Ахмат» М Ч Ж | Хазорасп туман ХТБ |
| Манзили: Хазорасп тумани Мухомон кишлоки | Манзили: Хазорасп тумани Алишер Навойи кочаси |
| Тел/факс: 602-90-13 | Тел/факс: 998 99 828 2707 |
| х/р: 20208000900356485001 | ш/хр: 100022860332207092100075091 |
| СТИР: 200418991 | СТИР: 200 419 745 |
| ОКОНХ: 90215 | |
| Банк:. ОАТБ Агро банк Хазорасп филиали | **Молия Вазирлиги Ғазначилиги** |
| МФО: 00558 | Ғазна х/в : **23402000300100001010** |
| | Банк : **Марказий банк Тошкент ш ХККМ** |
| | МФО : **00014** ИНН **201122919** |

Рахбар Ю.[illegible]назаров ________ Рахбар Ш Ахмедов ________

Ф.И.О (имзо) Ф.И.О (имзо)

М.У М.У

Хукукшунос: ____________ ________________________

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

NQ0377722331

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Issiq suv xolidagi issiqlik energiyasi yetkazib berish bo`yicha shartnoma**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: HAZORASP TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 25.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tuman yuridik xizmat ko`rsatish markazi bosh yuristkonsulti:**

**Z.SH.NIYOZMATOV**

28.11.2022